

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят  
ижтимоий-сиёсий  
газетаси

2021 йил  
30 январь  
ШАНБА  
№ 8 (13361)

@haqiqatonline

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Ёшларга оид давлат сиёсати - амалда



# Ўзбекистон учун

# 100

2021

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 27 январь кuni ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеосе-**

**лктор йиғилишида иқтидорли ёшларни кашф қилиш, уларнинг ташаббус ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ўзбекистон учун 100 ғоя" лойиҳаси илгари сурилди.**

Мансур ҲИММАТОВ ва Абдор ЭСОНОВ олган суратлар

2

## Навоийрон авлод ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Ёшлар форуми ҳамда Олий Мажлисга Муражаатномасида ёш авлод манфаатларига қаратилган муҳим ғоя ва ташаббусларни ўртага ташлади. 2021 йил - "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилинди.

Жорий йил бошидан жойларда форум ва Муражаатномада айтилган тақлифларни амалга ошириш, ёшлар билан ишлаш бўйича янги тизимни жорий этиш борасидаги долзарб вазифалар ижросига киришилди.

Хусусан, вилоятимизда янги тизимдаги ишлар қай йўсинда йўлга қўйилганлиги билан яқиндан танишиш мақсадида вилоят ҳокимилик ва ишлар бўлими билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Паркент туманига медиа-тур ташкил этилди. Туманимиз аҳолисининг 59 фоизини ёшлар ташкил қилади, - дейди туман ҳокими ўринбосари Нурани Нигматов. - Биринчи навбатда, ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида "Ёшлар дастури"ни ишлаб чиқдик. Бу дастур 2020-2021 йилларда турли йўналишларда амалга оширилиши режа қилинган ишларни ўзида қамраб олган. Унга кўра, ёшлар ўзлари қизиққан соҳа бўйича билим ва кўникамага эга бўлиши учун мономарказларда махсус дарслар йўлга қўйилди. У ерда таҳсил олган ёшлар ишлаши учун шароит яратилади. Шунингдек, қисқа фурсатда туманимизда 5 та "Ёшлар меҳнат гузарси" комплекси қурилиб, фойдаланишга топширилди.



## Китобхонларнинг севимли маскани

Президентимизнинг "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятимизнинг турли ҳудудларида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Зангиота тумани, Эшонгузар массивидаги "Маданият маркази" қошида фаолият юритаётган "Турон" вилоят кутубхонасининг шахобчаси ҳам ҳар кuni китобсеварлар билан гавжум. Бу ерда шу яқин атрофдаги маҳаллалар аҳолиси, мактаб ва коллеж ўқувчилари келиб, мутолаа завқидан баҳраманд бўлишади.

Қарийб, 30 минг китоб фондига эга кутубхонада бадий ва илмий адабиётлар, шунингдек, турли йўналишдаги ўқув қўлланмаларига кенг ўрин берилган.

Зиё масканимизни доимо янги адабиётлар, замонавий ёзувчиларнинг асарлари, дунё адабиётидан ўғирилган таржималар билан бойитиб борамиз, - дейди кутубхона директори Сурайё Аҳмедова. - Шунингдек, масканимизда шоир ва ёзувчилар билан учрашув ва

давра суҳбатлари, янги нашр этилган китоблар тақдироти, маънавий-маърифий кечалар ўтказиб тураемиз. Сўнги йилларда замонавий электрон қўрилмалар кўпайсада, китобнинг қадри ошаётгани кувонарли, албатта. Бунини кутубхонамиз кун сайин гавжумлашаётганидан ҳам англаш мумкин.

Шу кунларда кутубхонада Алишер Навоийнинг 580 йиллиги ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган маънавий-маърифий тадбирларга катта тайёргарлик кўрилмоқда.

К. САЛОМОВА  
Тошкент ҳақиқати/

Алишер Навоий  
таваллудининг  
580 йиллигига

## Огоҳлик шартлари



Навоий кўп пухта ижодкор бўлган-да. Қайси асарига қайси салафи, яъни улуг ўстозини мадҳ этишни, хусусан, қайси достонида кимга махсус насихат боби бағишлагани обдон ўйлаган.

"Фарҳод ва Ширин"да эса улуг шоир Абулфаворис Шохғариб Баҳодирга бир махсус боб бағишлагани лозим топади. Бу ҳам асло бекорга эмас эди.

"Лайли ва Мажнун" сўнгида шаҳзода Султон Увайси Баҳодир мадҳи келади. Достон мазмуни билан бу шаҳзодага насихат қилиш ўртасида қандай нозик вобасталиклар борлигини махсус тадқиқ этиш керак.

"Садди Искандарий"нинг охиридан Музаффар Хусайн Мирзо мадҳи ўрин олган. Бунинг сабабларини аёнлаштириш ҳам - бир қизиқ ва муҳим тадқиқотга мавзу бўлгулиқ.

Навоийнинг тарихда абадулабад қолажақ "Хамса"си уч машҳур достонида уч шаҳзодага насихат битишдан қўзланган кўп-кўп мақсад-муддаолари бор эди.

Адабий-бадий, фалсафий-тасаввуфий маъно-моҳиятларини бир чеккага суриб қўйиб, "Хамса"ни шоир яшаган даврдаги темирйиллар салтанати муаммолари таҳлил этилган, ҳужмдорларни, аниқроғи, Хусайн Бойқаро ва унинг ўғилларини огоҳликка ундаш, кўзни очишга чорлаш, ҳис этилаётган хавф-хатар, зимдан бостириб келаётган сиёсий таназзул ҳақида олдиндан баҳоратлар қилиш, шу тарихқа бу инқирознинг олдини олишга даъватнома, деб ҳисоблаш мумкин.

(Давоми 4-саҳифада)



## ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

**ПИСКЕНТ** туманида "Ҳар бир тадбиркор - ёшларга мададкор" лойиҳаси доирасида ўқув-семинар ташкил этилди. Рақамли технологиялар ўқув марказида бўлиб ўтаётган бизнес тренингларда 25 нафар йигит-қиз иштирок этмоқда. Семинарда кичик бизнесни бошлаш, муваффақиятга эришиш сирлари, бизнес ғояни шакллантириш, бозорни ўрганиш сингари муҳим жиҳатлар бўйича маҳорат дарслари ўтилмоқда.



**ЗАНГИОТА** туманидаги 13-умумтаълим мактабида "Ёшлар дафтари"га киритилган йигит-қизлар билан сектор раҳбарлари, тумандаги корхона, ташкилот, банк масъуллари учрашишди.

Мулоқот жараёнида 56 нафар ёш ўз тақлиф ва муаммоларини баён қилди. Шундан 4 нафар тадбиркорлик қилиш истагини билдирган ёшларнинг масаласи жойида ҳал этилди. Учрашувга келган фуқаролар ва ёшлар тиббий кўрикдан ҳам ўтказилди.



**БЎСТОНЛИҚ** туманида ёшлар ва аёллар учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Ярмаркада 18 та корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Тадбирда ҳудуддаги 100 нафардан ортиқ ишсиз фуқаролар қатнашиб, кўплари ўзлари учун маъқул тақлифлар олишди. Шунингдек, кўлида хунари бўлмаган 15 нафар аёл тивувчилик курсларида белул ўқишга йўналтирилди.



**ЎРТА ЧИРЧИҚ** туманидаги 23-мактабда "Ёшлар шахмат тахтаси" Республика оқик турнирининг туман ҳудудий саралаш босқичи ўтказилди. Унда 2-сектор ҳудудидаги мактабларнинг жами 70 нафар ўқувчиси ўзаро беллашди.

Турнир якунида фахрли ўринни эгаллаб кейинги босқичга йўлланма-ни кўлга киритган ёшларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.







